

ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИДАГИ ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Иқболжон АЗИЗОВ

мустакил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг фуқаролик ишларида иштирок этишининг процессуал жиҳатлари кўрсатиб берилган. Оилавий низолар, никоҳдан ажратиш, болани фарзандиликка олиш, мерос ёки мулкӣ низолар каби суд ишларида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти ёритилган.

Таянч сўзлар: Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, никоҳдан ажратиш, болани фарзандиликка олиш, мулкӣ низолар, суд.

В ОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧАСТИЯ КОМИТЕТОВ СЕМЬИ И ЖЕНЩИН В ГРАЖДАНСКИХ ДЕЛАХ

Иқболжон АЗИЗОВ

незавимый исследователь

Академия правосудия Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматриваются процессуальные требования к участию Комитета по делам семьи и женщин и его территориальных подразделений в гражданских делах. Комитет по делам семьи и женщин, а также его региональные отделения были созданы для защиты прав женщин в судебных делах, таких как семейные споры, развод, усыновление, наследование или имущественные споры.

Ключевые слова: Комитет по делам семьи и женщин, развод, усыновление, имущественные споры, суд.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки гендер адолатининг асосий таркибий қисмидир. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ва Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияларда аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тенглигини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Бастиан Ҳерининг фикрича, аёллар ҳуқуқлари – бу барча аёллар эга бўлган инсон ҳуқуқлари. Аммо амалда бу ҳуқуқлар кўпинча эркаклар ҳуқуқлари билан бир хил даражада ҳимояланмайди.

Бошқалар қаторида аёллар ҳуқуқларига қуйидагилар киради: зўравонликдан холи бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари; мактабга бориш ва жамоат ҳаётида иштирок этиш каби ижтимоий ҳуқуқи; мулкка эга бўлиш, ўзлари танлаган ишда ишлаш ва бунинг учун тенг ҳақ олиш каби иқтисодий ҳуқуқи; овоз бериш ва давлат лавозимини эгаллаш каби сиёсий ҳуқуқлар [1].

Зўравонликларсиз яшаш ҳуқуқи, жисмоний ва руҳий саломатликнинг энг юқори даражасига эришиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, тенг иш ҳақи олиш ҳуқуқи ва бошқа барча инсон ҳуқуқлари жинсидан қатъи назар, аёллар учун таъминланиши керак. Бироқ, бутун дунё бўйлаб миллионлаб аёллар ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишда камситишларга дуч келишда давом этмоқдалар. Гендер тенгсизлиги аёллар ва қизларга салбий таъсир кўрсатадиган кўплаб муаммоларнинг сабабчиси ҳисобланади. Булар маиший ва жинсий зўравонлик, иш ҳақининг пастлиги ёки ишга жойлашишдаги муаммолар, таълим олиш ва бошқалар бўлиши мумкин [2].

“Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция (CEDAW) – 1979 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган халқаро шартнома ҳисобланади. Мазкур конвенция аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонун сифатида таърифланган бўлиб, 1981йил 3 сентябрда тузилган ва 189 давлат томонидан ратификация қилинган.

Мазкур Конвенцияга асосан, турмушга чиққан аёллар турмушга чиқмаган аёллар билан бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Улар қуйидагилардан иборат:

– аёллар эркаклар билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлиб, сайловда қатнашиш ва давлат ҳокимиятининг олий органларида лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эга;

- аёллар эркаклар билан бир хил мулкка эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга;
- жиноятчиликдан ҳимоя қилишда аёллар эркаклар билан бир хил ҳуқуқларга эга;
- никоҳда ва ажралишда аёллар эркаклар билан бир хил ҳуқуқларга эга;
- аёллар ҳар қандай иш ёки касбга эга бўлиш ҳуқуқига эга;
- аёллар тенг қийматдаги иш учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга;
- аёллар уйда, ишда ёки кўчада зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқига эга;
- аёллар таълим олишда тенг ҳуқуққа эга;
- аёллар тегишли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга [3].

Баъзи ҳолларда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Хотин-қизлар кўмитасининг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Таълим даражасидаги гендер тафовутлари, олий маълумотга эга бўлиш ва ҳоказолардан келиб чиқиши мумкин бўлган қонуний ҳуқуқлар ва қонуний тартиб-қоидалар ёки юридик ёрдамдан қандай фойдаланишни билмаслик, молиявий ресурслар, жумладан, адвокатлик тўловлари, давлат божини тўлай олмаслик, болалар парвариши билан банд бўлиш натижасида пул маблағларнинг етишмаслиги, оила ичидаги вазифаларнинг нотенг тақсимланиши, гендер стереотиплар ва бошқа сабаблар туфайли фуқаролик суд ишларида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда хотин-қизлар кўмитасининг иштироки аҳамиятли саналади.

Хотин-қизлар кўмитасининг фуқаролик ишлари бўйича иштироки ҳуқуқ тизимига, юрисдикциясига ва ушбу кўмиталар кўриб чиқиладиган жамиятда унинг қандай рол ўйнашга мўлжалланганлигига қараб сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

Хотин-қизлар кўмиталари хорижий мамлакатларда давлат орагнлари ёки нодавлат ташкилотлари таркибига кирадиган орган сифатида фуқаролик ишларида гендер сиёсатни илгари суриш, ҳуқуқий асосларда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, аёлларнинг одил судловга эришишига кўмаклашиш орқали иштирок этади.

Умуман олганда, хотин-қизлар қўмиталари ёки аёллар гуруҳлари кўпинча фуқаролик ишларида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий масалалар бўйича аёлларни қўллаб-қувватлаш ва баъзан низоларни ҳал қилишда ёрдам бериш учун иштирок этадилар.

Фуқаролик ишларида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг иштирок этишининг бир неча усуллари мавжуд:

1. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: оила ва хотин-қизлар қўмиталари фуқаролик ишлари бўйича хусусан, оилавий низолар, никоҳдан ажратиш, болани фарзандиликка олиш, мерос ёки мулкӣй низолар каби суд ишларида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари мумкин. Уларнинг иштироки кўпинча ушбу ҳуқуқий масалаларда аёллар ҳуқуқларининг етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган бўлади. Масалан, мерос билан боғлиқ низоларда аёлларнинг адолатли улуш олиш ҳуқуқи таъминланиши мумкин.

2. Баъзи ҳуқуқий тизимларда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фуқаролик низолари, айниқса, гендер масалалари билан боғлиқ низоларда воситачи бўлиши мумкин. Улар тарафлар ўртасидаги низоларни енгиллаштириши ёки медиатор сифатида низони ҳал қилида иштирок этишлари мумкин.

3. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фуқаролик ишларида иштирок этаётган аёлларга руҳий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши мумкин. Масалан, уйдаги зўравонлик натижасида никоҳдан ажралиш билан боғлиқ суд ишларида хотин-қизлар қўмиталари аёлларга маслаҳат, ҳуқуқий ёрдам ёки бошпаналардан фойдаланиш имкониятини тақдим этиши мумкин. Улар аёлларга маълумот, судда вакиллик ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг процессда иштирокчиси сифатида иштирок этиши мумкин.

4. Баъзи мамлакатларда оила ва хотин-қизлар қўмитаси индивидуал фуқаролик ишларида бевосита иштирок этмаслиги мумкин, аммо улар аёллар ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунчиликка таъсир қилиш учун кенгроқ даражада

ишлаши мумкин. Масалан, улар ҳуқуқий тизимни аёллар учун янада қулайроқ қиладиган ёки аёлларни мулкка эгалик ёки меҳнат ҳуқуқлари каби фуқаролик масалаларида камситишлардан ҳимоя қиладиган қонунларни яратишда таклифлар киритиши мумкин.

5. Айрим мамлакатларда хотин-қизлар қўмиталари ёки ташкилотлари суд томонидан эксперт ёки мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин. Улар фуқаролик ишлари бўйича судларда иштирок этаётган аёллар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Мамлакатмизда аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрь ЎРҚ-561-сон қонуни хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишни мақсад қилган.

Бундан ташқари Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-208-сон Фармони, “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизлар фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-401-сон ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сон қарорлари қабул қилинди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари иш юритишда ўз ташаббуси билан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ташаббуси билан ёхуд суднинг ташаббуси билан иш юритишга қўшилиши мумкин.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳам давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган фуқаролар каби уларни

фуқаролик суд ишларида иштирок этишнинг икки шаклини назарда тутишимиз мумкин:

бошқа шахсларнинг (аёллар) ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиши;

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда ўз вазифаларини бажариш мақсадида иш юзасидан ҳулоса бериш учун фуқаролик суд ишига жалб қилиниши.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг суд процессида иштирок этиши масаласи одатда, суд томонидан суд муҳокамасига тайёргарлик қўриш босқичида ҳал қилинади (суд тегишли ажрим чиқаради). Иш мазмунан қўриб чиқилгунга қадар Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ўз ҳулосаларини судга тақдим этиши керак.

Масалан, ёлғиз она болани фарзандликда олишда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси боланинг яшаш шароитларини ва болани фарзандиликка олувчи аёлларни текшириб, ўз ҳулосаларини судга тақдим этиши мумкин.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳулосалари судга ёзма шаклда тақдим этилади. Улар суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, шундан сўнг суд ва ишнинг натижаларидан қонуний манфаатдор бўлган шахслар ҳулосаларга аниқлик киритиш ва тўлдириш учун қўмита вакилига саволлар бериши мумкин.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳулосаси суд учун мажбурий эмас, суд фуқаролик иши бўйича ҳулосада келтирилганларга зид қарор қабул қилиши мумкин. Шу билан бирга, суд қўмитанинг фикрига қўшилмаслиги сабабларини кўрсатиши керак.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг иш бўйича ҳулосаси эксперт ҳулосасидан фарқланиши керак. Эксперт – ишнинг натижаларидан қонуний манфаатдор бўлмаган шахс. Бунда ишда ҳулоса беришда иштирок этувчи Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг вакиллари ўз хизмат вазифаларидан келиб чиққан

холда ишнинг якунидан процессуал манфаатдордир. Суд процессида Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг иштироки одатда, қонун билан белгиланиши керак.

Фуқаролик процессида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қуйидаги процессуал хусусиятларга эга:

1) суд муҳокамасида ушбу иштирокчилар бевосита ўз номидан, лекин бошқаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадилар;

2) ушбу иштирокчилар ишнинг мустақил тарафлари ҳам, низоли моддий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳам эмас, шунинг учун улар ишнинг натижасидан моддий манфаатдор эмаслар;

3) ушбу иштирокчилар қонунчиликда тўғридан-тўғри назарда тутилган ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қиладилар, шунинг учун уларнинг иш натижаларидан процессуал манфаатдор бўладилар;

4) қонунга мувофиқ, ушбу иштирокчилар айрим тоифадаги ишларни кўришда фуқаролик процессида иштирок этиш имкониятига эга бўладилар;

5) мазкур қўмита фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, яъни шикоят қилиш ташаббуси муайян меъёрий ҳужжат доирасида чекланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 21 декабрь ПФ-208-сон Фармонида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Бизнинг назамизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 21 декабрь ПФ-208-сон Фармонининг Қўмита фаолиятининг устувор йўналишларига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни таклиф қиламиз:

“-оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза (даъво аризаси) билан мурожаат қилиш;”

Мазкур таклиф Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган фуқаролар каби ФИБ судларига мурожаат қилиш ҳуқуқини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. <https://ourworldindata.org/womenrights#:~:text=Women's%20rights%20are%20human%20rights,how%20it%20differs%20across%20countries>.
2. <https://insonhuquqlari.uz/uz/menu/hotin-izlar-uulari>
3. <https://lex.uz/docs/-2685528>